



## ҒАЛЛАЧИЛИКДА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 11 май куни ғаллачиликдаги ислохотларнинг муҳим босқичига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Сўнги вақтда жаҳон бозорларида озиқ-овқат нархлари кун сайин юқори суръатлар билан ўсмоқда. Халқаро биржаларда 1 тонна бугдой нархи 400 долларга кўтарилди ва йил бошига нисбатан нархлар 30 фоизга ошди.

Нарх-наво барқарорлигига эришиш учун биринчи навбатда ғаллачиликда бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш зарурати туғилмоқда. Шу муносабат билан йиғилишда фермерлар манфаатдорлигини таъминлаш, ҳосилдорликни ошириш орқали бозорда тақлифни кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Сўнги йилларда ҳудудларда қуввати қарийб 3 миллион тонна бўлган 160 дан ортиқ йирик хусусий дон корхоналари иш бошлади. Ўтган йили республика бўйича қарийб 3,5 миллион тонна ун ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан 54 фоизи хусусий дон корхоналари ҳиссасига тўғри келади.

Йиғилишда "Ўздонмахсулот" компанияси таркибидagi 43 та дон корхонаси янги бозор шароитларида самарали ишлашга тайёр эмаслиги, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаётгани, шунингдек, давлат дон корхоналарида талон-торож қилиш ҳолатларига халигача барҳам берилмаганлиги танқид қилинди.

Давлат дон корхоналаридаги айна пайтдаги эскича тизим дон етиштирувчига ҳам, қайта ишловчи корхоналарга ҳам манфаат бермаётгани қайд этилди. Ўзбекистон халқи, фермер-деҳқонлар анчадан буён кутган дон етиштиришда давлат бюрократиясини босқичма-босқич бекор қилиш ва ҳақиқий ғалла бозорини яратиш борасида муҳим қadam ташлашнинг фурсати етганлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари барча зарур ташкилий ишлар ҳал қилинган ҳолда, 1 июнда бошлаб ғаллани давлат томонидан сотиб олиш ва сотишда бозор нархларига ўтишлигини маълум қилди.

Фермер ва кластерлар ўзи етиштирган ғаллани биржа савдо-ларига олиб қилиши учун давлат томонидан барча имкониятлар яратилади. Давлат ресурслари учун

сотиб олинган 1 тонна бугдой нархи ўтган йилдаги 1 миллион 550 минг сўмдан жорий йил ҳосили учун 3 миллион сўмга, яъни 2 бараварга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги жамғармаси харид қилган 1 миллион 783 минг тонна бугдой эҳтиёжга қараб биржага чиқарилади. Бунда фермерларга июль-август ойларида биржада шаклланган ўртача нархлардан келиб чиқиб, ўртадаги ижобий фарқ ҳам тўлаб берилади. Бунинг учун жорий йилда давлатдан 6 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилади.

Бундан ташқари, фермерлар ихтиёрида қоладиган бугдойдан 500 минг тоннаси дон корхоналарида вақтинча сақлаш учун қабул қилинади ва 1 июндан бошлаб илк бора фермер ва кластерларнинг ўзлари биржа савдоларига бозор нархида чиқаради. Бунда 500 минг тонна бугдойнинг дон корхоналарида вақтинча сақлаш харажатлари давлат томонидан қоплаб берилади. Шунингдек, фермерлар 2022 йил бугдой ҳосили учун биржа тўловларидан озод қилинади.

Давлат раҳбари бугдой етиштирувчи фермер ва кластерларни биржадан рўйхатдан ўтказиш ва брокерларни бириктириб, ўқитишни ташкил қилиш бўйича мутасаддиларга топшириқ берди.

Жорий йил жами ғалла ҳосили учун 7,6 триллион сўм ажратилмоқда. Янги тизимнинг тўлақонли, адолатли ва очик-ошкора ишлаши, ҳар бир сўм фермер ва кластерга ўз вақтида, тўлиқ етиб бориши, нарх-навонинг ўсиши ва тақчилликнинг олдини олиш бўйича "кунбай" назорат тизими жорий қилинади.

— Бугдойнинг ҳақиқий эгаси бу — фермер ва кластерлар, — деди давлат раҳбари. — Бундан буён туманда режа бажарилмапти, чорва, парранда ёки балиқчиликка озукча-ем керак, деган вазияр билан фермерлар ғалласини олиб қўйиш қатъини тақиқланади. Биржа орқали сотилган бугдойга ҳудудлараро чеклов қўйилмайди, — деди Президент.

"Ўздонмахсулот" корхоналари ва хусусий корхоналарнинг айланма маблағи учун 800 миллиард сўм

микдорда кредит ресурслари ажратилади.

Президент замонавий, ичқам, энергиятежамкор ун ишлаб чиқариш корхоналарини кўпайтириш, ғалла майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорликни ошириш, чекка ва олис қишлоқларга ун ва ун махсулотларини етказиб бериш бўйича транспорт харажатларини қоплаб бериш борасида кўрсатмалар берди. Вилоят ҳокимлари ун ва ун махсулотларини республиканинг бошқа ҳудудларидан ва четдан олиб келиб, бозорда махсулот тақчиллигига йўл қўймайлик ва нархлар барқарорлигини таъминлашга шахсан масъул ва жавобгар эканлиги қайд этилди.

Дон корхоналарини хусусийлаштириш ишлари ҳам жадаллаштирилади. Мутасаддиларга 1 августга қадар 20 та дон корхонасидаги давлат улушини савдога чиқариш топшириғи берилди.

Йиғилиш кун тартибидан фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш масалалари ҳам ўрин олди. Жорий йилнинг март-май ойларида кучли ёғингарчилик оқибатида Бухоро, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида 15 га яқин йирик сел ва кўчкилар содир бўлди. Оқибатда 9 нафар инсон ҳалок бўлди. 245 та хонадон, 19 та кўприк зарар кўрди, 450 дан ортиқ бош чорва моллари нобуд бўлди.

Бунга сел ва кўчки хавфи юқори ҳудудларда йиллар давомида бетартиб курилишлар қилингани, ерлар пала-партиш сугорилгани ҳам сабаб бўлаётгани қайд этилди.

Президентимиз мутасаддиларга тоғ дарёлари ва сойлари, сел йўллари жойлашган ҳудудларда туну кун ишлайдиган штаблар ташкил этиш ва кўчқарув отрядларини кўпайтириш, дарё қирғоқлари, сув омборлари, селга қарши иншоотларнинг фавқуллода вазиятларга шайлик ҳолатини ўрганиб, уларни мустақамлаш ҳамда хавфли ҳудудларда яшаётган хонадонларни хавфсиз ҳудудларга доимий кўчириш чораларини кўриш бўйича топшириқлар берди.

ЎЗА

## ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ



## ҲАР ҚАДАМ БЎСТОНГА, ҲАР КЎНГИЛ ГУЛИСТОНГА ЭВРИЛАЁТИР

Кўп бўлмади: тўрт-беш йил аввал пойтахтимизнинг Алимкент кўчаси бўйлаб юришга кўпчиликнинг юраги дов бермасди. Йўл ўнқир-чўнқир, боз устига тирбанд, ёзда эрталабдан кўтариладиган чанг, ёғингарчиликда пайдо бўлган қўлмак хоҳ транспортда бўлинг, хоҳ пиёда — кайфиятингизга салбий таъсирини ўтказмай қўймади. Йўл четига ётқизилган темир йўлнинг у ёғи ташландик, гўё шаҳарнинг бир четига юрибсизу дов-дарахтлар ортида маҳалла борлиги, у ерда одамлар истиқомат қилишига ишонгингиз келмасди...

### "БОРСА-КЕЛМАС" МАНЗИЛ ОБОД ГЎШАГА АЙЛАНДИ

Халқ розилиги, аҳоли фаровонлиги мамлакат кудратининг бир белгисидир. Мамлакатимизнинг янги қиёфасини, халқимизнинг том маънодаги замона-

вий тарихини барпо этиш йўлида улкан марралар олинди. Ташаббуслар буй кўрсатилади. Юртимиз кундан-кун янгила-нишга юз тутиб, бу ўзгаришлар одамлар

ҳаётида ўз аксини топмоқда. Ҳар бир ҳудудга алоҳида эътибор, алоҳида ёндашув билан қаралмоқда. Чекка-чекка ҳудудларга қариб етган эврилишлар экинни каттаю кичикни уйғотаётгани ҳам бор гап. Илгари бориға кўниб, кўникиб яшашга ўрганиб қолган, турмушига бирор янгилик киритишга иштиёқи ёки ҳафсаласи йўқ одамлар, халқимиз таъбири билан айтганда, йўқдан бор қилишга интиломоқда. Бу борада давлатимиз кўмаги улурга катта руҳ, ишонч бермоқда.

Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида жойлашган Аҳмад Яссавий маҳалласи ҳам тубдан ўзгарди.

Давоми 2-бетда

## ХАЛҚАРО ФОРУМ

## ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ — ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЎЗАРО ҲАМЖИҲАТЛИК

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотидagi раислиги доирасида ана шу мавзуда ШХТ Халқ дипломатияси форуми иш бошлади

Икки кун давом этадиган тадбирда халқаро ташкилотлар, ШХТга аъзо мамлакатлар парламентлари, нодавлат тузилмалар вакиллари ва илмий-таҳлил марказлари раҳбарлари иштирок этмоқда.

Давоми 2-бетда



## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

## ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ — ИЧКИ ИШЛАР ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ижро интизими давлат органлари ва ташкилотларнинг иш самарадорлигини таъминловчи энг муҳим ҳамда асосий фаолият кўрсаткичларидан биридир. Бир сўз билан айтганда, жамият ҳаётининг турли соҳаларида ислохотларнинг самарали амалга оширилиши, энг аввало, бошқарувнинг барча бўғинларида ижро интизомининг юқори даражада таъминланишига боғлиқ.

### ДАСТУРУЛАМАЛ ҲУЖЖАТ

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 10 февралдаги "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижро интизоми мустақамлашда муҳим

дастуруламал бўлди. Ҳужжатга мувофиқ, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини назорат қилишнинг "шахсий масъулият, мустақам "темир" интизом ва ташаббускорлик" тамойилларига асосланган мутлақо янгича тизими жорий қилинди.

Маъруз фармон Ички ишлар вазирлиги ҳайъатининг 2021 йил 18 февралдаги кенгайтирилган мажлисида ўрганиб чиқилди ва унда

белгиланган талабларни сўзсиз бажариш бўйича барча даражадаги раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш борасида аниқ вазифалар белгилаб олинди. Фармон ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлашни назорат қиладиган ишчи гуруҳ шакллантирилди. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш тартиби, ишларни самарали йўлга қўйиш ва ижро интизоми мустақамлашнинг асосий йўналишлари белгиланди.

Ички ишлар вазирлигига келиб тушаётган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш бўйича ҳар ҳафтанин душанба куни вазир ва жума куни вазир ўринбосарлари

томонидан шахсан масъул ижрочилар билан муҳокама ўтказилиши йўлга қўйилган. Ҳар бир тузилмада масъул ижрочилар иштирокида замонавий бошқарув услубларини амалиётга жорий этиш бўйича ўқув семинарлар ва тренинглр ўтказилгани яхши самара бермоқда.

Президентимиз: "Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар — у Бош вазир ёки унинг ўринбосарлари бўладими, ҳукумат аъзоси ёки ҳудудлар ҳокими бўладими, фаолиятининг кундалиқ қондаси бўлиб қолиши керак", деган эди. Ушбу сўзлар бугун бошқа давлат идоралари каби Ички ишлар вазирлиги фаолиятининг ҳам бош мезонига айланди.

Давоми 3-бетда

## ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

БМТ маълумотларига кўра, жаҳонда етиштириладиган озиқ-овқат махсулотларининг учдан бир қисми ташиш ва сақлаш вақтида сифатини йўқотиб, яроқсиз ҳолга келади. Бу дунё аҳолисининг ўндан бири етарлича озиқ-овқат билан таъминланмаётган бугунги шароитда катта йўқотишдир.

## ОЗИҚ-ОВҚАТНИ ҚАЙТА ИШЛАШДА ЯНГИ УСУЛ



Давоми 4-бетда









